



## ИСЛОМ КАРИМОВ ЎЛДИ

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати манбаларидан бирининг сўнги хабарига кўра, Ўзбекистон президенти Ислон Каримов бугун 29 - август куни Тошкент вақти билан соат 16:00 атрофида ҳаётдан кўз юмган.

Ушбу хабар бошқа мустақил манбалар тарафидан ҳам

тасдиқланди.

Ўзбекистон ҳукуматининг бу ҳақдаги расмий баёноти эртага эрталаб 30 - августда берилиши тахмин қилинмоқда.

Кўшни давлат раҳбарлари бу ҳақда хабардор қилинган.

**ЎХХ хабарлар бўлими**



хорижий давлатлар дипломатик миссияларининг раҳбарлари кела бошлашди. “Ҳукумат аъзолари ва хорижий дипломатлар Самарқанддаги меҳмонхоналарга жойлаштирилмоқда. Кўшни давлатлар раҳбарлари эса президент Ислон Каримовнинг Самарқанддаги резиденциясига

## Ислон Каримовнинг жасади Самарқандга олиб келинди

2016 йил 2 сентябрь куни, эрталаб Ислон Каримовнинг жасади Тошкентдан Самарқанд шаҳрига олиб келинди, — дея хабар беришди Ўзбекистон Халқ Ҳаракати (ЎХХ)нинг республика ҳукуматидаги манбалари.

Уларнинг айтишича, Самарқандга Ўзбекистон ҳукумати аъзолари ҳамда

жойлаштирилиши режалаштирилмоқда”, — дейишди Тошкентдаги манбалар.

Уларнинг маълумотларига кўра, Ислон Каримов Шоҳи Зинда қабристонига дафн этилади. Илгари бу қабристонга унинг ота-онаси ва акалари ҳам дафн қилинган.

**ЎХХ ахборот бўлими**

## Шундай экан, «фарёд»ларингиз бекор...

Ислон Каримов – Ислон эмас ва Каримов ҳам эмас, келиб чиқиши мавҳум бўлган бир одам.

Унинг хотинлари ва фарзандлари ҳам шундай.

Беваси ҳам, икки қизи ҳам ҳаддан ташқари можораларга булганган, оила ичида бир-бири билан ўта йиртқич муносабатда эдилар.

Айнан шундай мавжудотларни одатда хавфсизлик хизматлари, ишғол қилинган ҳудудларни бошқариш учун ўзларига содиқ кадрлар танлаш жараёнида ёллаб оладилар.

Яхшиямки, у энди даф бўлди.



Энди Халқнинг олдида Ўзбекистонда подшоҳлар, Кауфманлар, Столипинлар, СССР ва унинг йўқолишидан кейин йиғилиб қолган йиртқич моғорларни йўқотиш каби қатта ва мураккаб бир вазифа турибди.

Каримовнинг бундай сохта “ислом”и пайдо бўлиши ва унинг 27 йил давомида Ўзбекистон устида болтадай осилиб туриши – ўлканинг қуллаштирилиш руҳидадир.

Ўзбеклар орасида ушбу йиртқич тузум билан ҳамкорлик қилиб, ўзига доғ туширмаган ақлли ва саводли сиёсатчилар етарлидир.

Шундай экан «фарёд»ларингиз бекор...

**Надежда Кеворкова**  
Facebook.com ижтимоий тармоғидан олинди  
Русчадан ЎХХ таҳририяти таржимаси

## ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВЕДИНЕСИ РАИСИ ХАДЖАЕВ КАРИМОВНИ КАМСИТИБДИ

Ўзбекда “Ўлдинг – ўчдинг” деган гап бор.

Ўзбекистоннинг марҳам президенти Ислом Каримов асли мутахассислиги математик бўлган Алишер Журакулович Хаджаевни кўтар-кўтар қилиб ЎзМТРКга раис қилиб тайинлашга имзо қўйганига ҳам 10 йил бўлди.

ЎзМТРК ходимларига кўра, математика фанлари номзоди бўлмиш Алишер Жўракулович президент вафотидан кейин Каримовнинг мурувватига муносиб жавоб қилмаган.

Гап шундаки, ЎзМТРК биносига киришингизда хайҳотдек файе бор.

Одатда бирор бир фавқуллода воқеа, яғлик ва ё хабар бўлса, ўша киравериш файесининг рўпарасидаги устундаги “доска”га ёпиштириб қўйишади.

Таъзиянома ёзлса, албатта марҳумнинг катта рангли, ҳашаматдор портрети илинади, одатда.

Не тонгки, бу галги таъзиянома ҳар доимгидек бўлмабди.

ЎзМТРК файесига кадам қўйган ходимлар файе устундаги президент Ислом Абдуғаниевга атаб битилган таъзияномани кўриб ҳайратдан қотиб қолишди.

Не кўз билан кўришсинки, таъзиянома тепасида ҳар доимгидек марҳумнинг ҳашаматдор, катта портрети эмас, катта рамкадаги расми ўрнига Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг марказий газетадан қирқиб олинган оқ-қора тасвирдаги рангсиз бир парча сурати осифлик турарди.

Расмисан расм. Президентнинг газетадан қирқиб олинган ғижим сурати.

— Одатда, ҳамкасбларимиздан бирор киши қазо қилса, таъзиянома билан бирга каттагина портретини қўйиб қўйишарди. Наҳотки, 25 йиллик президентимиз таъзияномаси тагига каттагина портретларини илишга арзимаган бўлса?!, — дея ажабланади “Маънавият” каналининг ишдан ҳайдалишидан кўрқиб, исмини сир сақлашимизни сўраган ходимларидан бири, — Ҳурматсизлик ҳам шунчалик бўладими? Бутун бир бошли ЎзМТРКни ямламай ютиб ётган Хаджаевнинг кучи Каримовнинг

50 минг сўмлик портретини ишлатишга етмай қолибдими? Мамлакатимизнинг узоқ туманларидаги оддий бир қишлоқ мактабичалик ҳам бўлмадик ҳатто! Бориб кўрсангиз, қишлоқ мактаблари ҳам Каримовнинг портретини қўйишган. Уялмасдан президент таъзияномасига Каримов суратини газетадан йиртиб олиб ҳам қўйишадими? Юрагим ёмон бўлиб қолди. Ахир ЎзМТРК курсисига Хаджаевдек мутаҳамми 10 йилдирки ўтказиб қўйган шу президет эмасмиди?

Ҳ а м к а с б и м и з н и н г ҳайратланганича бор.

Ажабо, нега ЎзМТРК раҳбарияти президентга эҳтиром кўрсатмади? Ҳашаматдор рамкадаги президент суратини гулларга буркаб қўйишлари ҳам мумкинмиди, йўқмиди?

Бўларди-ку?

Бирок, бўлмади...

ЎзМТРК деган даргоҳда тили чучук бир бола ҳам бор эди – 16 февраль портлашларидаги “башорат”лари – мадҳиянома кўрсатувлари учун Каримов кўкрагига шуҳрат орденини тамғалаган лақаби “сақов” йигит – Хайрулла. Шарифи Нуриддинов! У қаерда эди? Хаджаевнинг 25 йиллик хожасига нисбатан ҳурматсизлиги Хайрулланнинг ҳамиятини кўзғатмадимикин? Таъзиянома тагидаги газета парчаси – қирқиб олинган президент расмини шартта юлиб олиб отмадимикин, санъаткорлардан тушган соққа ҳисобидан Каримовнинг портретини сотиб олиб осмадимикин? Ахир, Каримовнинг ўзи эмасмиди тилини тўшаб, “Р” ҳарфини атолмайдиган Нуриддиновга “Ёшлар” каналини кўркаламушдек кемириши, қаттиқ кекириши учун фатво берган? Газета парчасидаги ҳайрат билан термулиб турган шу одам – марҳум президент Каримов эмасмиди ЎзМТРК раҳбарларини қутирдирган?

Ҳамсуҳбатнинг сўзларидан менинг ҳам тажжубим ошгани ҳақиқат. ЎзМТРКнинг раиси лавозимида қолишлари учун Медиа Марказ қурилишига ажратилган 8 миллиардлик маблағни бош вазир Шавкат Мирзиёевга пора сифатида

тортиқ қилишга кучи етган Алишер Хаджаев жанобларининг наҳотки мамлакатнинг 25 йиллик парҳум президенти портретини 80 минг сўмга сотиб олишга қурби етмаган бўлса? Шунга айтсалар керак-да, “Эшшак семирса эгасини тепади” деб!

— Нега бундай бўлди экан? Нега ЎзМТРК раҳбарияти Каримовни битта портретга олмадилар, эҳтиром кўрсатмадилар? – сўрадим усмоқчилаб.

— Буларнинг ҳаммаси ўта эҳтиёткорликдан, амал курсисидан янада узоқроқ ўтиришнинг умидида қилинган навбатдаги лаганбардорлик, — дея суҳбатга қўшилди ҳамкасблардан бири, — Бу таъмагир – ЎзМТРК раиси Алишер Жўракулович шунақанги туллакки! Хаджаев ўта пихини ёрган одам. Ҳар бир кўтар-кўтар бўлган юқори лавозимли амалдор қазосидан кейин қатағон бўлиши мумкинлиги эҳтимоли унинг ўтини ёради. Шароф Рашидов мисолида кўрмайсизми? Каримовнинг вафотидан кейин унинг қилмишлари дўмбира бўлиб кетса, балога қолиб кетмай деган ҳадикда Каримовга эҳтиром кўрсатишга қурққан-да! Кимдан? Бўлажак президентдан! Бош вазир Мирзиёевдан!

Эртага бўлажак президент – Мирзиёев “Сен кечагина Каримовнинг тавонини ялаб, пойини ўпиб юрган ялоқларидан бирисан” дея лавозимидан четлаштириб юборишидан ўтақаси ёрилгани учун ҳам президент Каримовнинг хотирасига ҳурмат кўрсатишга ҳайиққан, — қуйиб-пишади ҳамкасбимиз...

ЎзМТРК раиси, математика фанлари номзоди Алишер Жўракулович Хаджаевнинг таъмаларга тўла кўнглида қандай ўй бор, бунисини билмадигу, аммо биригина билган ҳақиқатимиз бор: билганимиз шуки, ушбу ёзганларимиз интернет сайтларида эълон қилиши билан патагига қурт тушган Хаджаев таъзиянома тагидаги Каримовнинг газетадан қирқиб олинган суратини алмаштириб қўйиши аниқ!

**Малоҳат ЭШОНҚУЛ**

*муштақил журналист, ҳуқуқбон*

Тоталитар тузумларда лидерлар алмашинуви осон бир жараён эмас. Эски лидернинг ҳокимиятдан тушиб, янги лидернинг пайдо бўлиши ва ҳукуматга келиши жараёнида мамлакатда ички уруш ва шу каби экстремал ижтимоий ҳолатлар юзага келиши мумкин.

Ўзбекистон президенти Ислам Каримовнинг ўтган жума оқшоми ҳаддан ошиқ спиртли ичимликлар ичгани боис миясига қон қуюлиб, ҳушини йўқотиши натижасида касалхонага олиб кетилиши дунё жамоатчилигида кенг акс садо берди.

Бундай кенг миқёсдаги акс садонинг сабаби бор албатта. Каримов 27 йил давомида мамлакатни шафқатсиз бир давлат террори билан бошқариб келди. Мамлакат камқоналарида ҳозир ҳам расмий бўлмаган маълумотларга кўра 18 минг атрофида сиёсий маҳкум бор, бу зиндонларда минглаб кишилар қийноққа солиниб ўлдирилди.

Каримов 2005 йилда инсоний ҳуқуқларини талаб қилиб, майдонларга чиқган Андижон аҳолисини ўққа тутди ва 3 мингдан зиёд кишини (шулар ичларида болалар ва аёллар ҳам бор эди) дунёнинг кўз олдида қатл этди.

Бундай бир лидернинг касал бўлиши ёки вафот этиши албатта жамоатчилик орасида кенг садо беради.

Сўнгги келган хабарларга кўра, Каримовнинг аҳволи оғир.

Докторларнинг фикрига кўра, олдимиздаги 5-6 кун ичида хаста



## Каримовсизлик босқичи бошланаяпти

оёққа турғизилмаса, кейин тўла соғайиб кетиши имконсиз.

Каримов 2013 йилда биринчи маротаба инсултга йўлиққан эди, аммо Ўзбек ҳукумати бу ҳодисани яширган эди. Бу сафар яшира олмадилар, чунки хастанинг аҳволи жуда оғир.

Ва албатта Каримовдан кейинги ҳукумат андозаларини ёзиш-чизиш ишлари ҳам бошланди.

Бир мисол: Бугун 29 август куни Каримов Тошкентда қурилган янги кўприк очилиши маросимида қатнашиши керак эди. Бош вазир Шавкат Мирзиёев

атрофидагиларнинг сўзларига қарамай, бу иншоатни очиб бериш “шараф”идан воз кечди. Натижада кўприк ҳеч бир маросимсиз ишга туширилди.

Шавкат Мирзиёев кўрқди.

Каримовдан сўнг ҳукуматга даъвогар бўлган бошқа кланларга нишон бўлишдан кўрқди. У ҳам “кут ва кузат” тактикасини қўлламоқда.

Каримовнинг аҳволи яхшилашган тақдирда ҳам, барча кланлар бу ноаниқлик ва кутиш ҳолати ичида ўз режаларини мустақамлашга ҳаракат қиладилар ва тўсатдан юзага келиши мумкин бўлган вазиятларга қарши тайёр турадилар.

Бугун Каримовсизлик босқичи бошланди.

Каримовдан кейинги босқич эса остонада.

Биз муҳолифат вакиллари сифатида Ўзбекистон халқига аввало бу жараённи тинчлик билан, бирлик ва қардошлиқда ўтқизишларини тилаймиз.

Ўзбек халқи сўнгги 27 йил ичида Каримов тузумидан Совет иттифоқида кўрмаган зулмларни кўрди ва ниҳоят бу зулмдан қутулиш вақти келди.

Халқимиз ўзига лойиқ одил бир ҳукуматни ниҳоят ўзи сайлаши лозим. Ва у бунга тайёр туриши шарт.

Ўзининг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларини ҳимоя қилиши ва уни қўлланиш жасоратини кўрсатиши керак.

Муҳаммад Солиҳ

## Аждарҳо ўлди, энди бутлар ҳам унга ёрдам беролмайди

Аждарҳо ўлди ва энди уни йўлбарслар қуриқлаши керак...

Собиқ коммунист, партия ходими, бошбошдоқликдан ва ёвуз руҳлардан бошқа ҳеч нарсага ишонмайдиган Каримов ўзини қабр азобидан қўригиси келиб қолди. Мусулмонлар этиқодига кўра, ўлик лаҳадга қўйилган заҳоти унинг бошига Мункар ва Накир исмли икки фаришта келади. Дунё ҳаёти даврида қилган ишлари хусусида ўлиқни сўроққа тутди. Каримов шундай ишлар қилганки, бу икки фаришадан шафқат кўрмаслиги аниқ.

Шунинг учун у олдиндан ўзига сфинкс сингари икки бутли – “қўшйўлбарсли мақбара” қуриб қўйди. Унинг назарида, бу икки тош санам уни Оллоҳнинг фаришталари берадиган азобдан қўриши керак.

Бугун Марказий Осиёни бошқариб турган президентларнинг “дин” тўғрисидаги тасавурлари мана шунақа. Булар шунчаки жаллод эмас. Булар ўтмишда худосиз бўлган коммунист-бутпараст жаллодлардир. Булар қабр даҳшатларидан ўлгудай кўрқадилар!

Режим диктаторнинг ўлимини этироф этгиси келмай роса чўзди, лекин охир-оқибатда тан олишга мажбур бўлди. Нимага бирданига тан олмагани маълум. Халқнинг асл ҳолатдан хабарсизлиги қанча чўзилса, тахтга кўз тиккан хунта ҳокимиятни тўла эгаллаб олишига имкон бўлади.

Ҳа, улар бир хунта эканига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Битта масалада шубҳа бор: ўзбек халқи бу барча иноятовларга Каримов истибдодини

давом эттиришларига йўл қўйиб берадими?

Уттиз икки милён Ўзбекистон халқи аждарҳонинг ўлимини жуда узоқ кутди! Оддий бир ўзбек қанчалик итоатли ва сабрли бўлмасин, ҳар нарсанинг чегараси бор...

Шунинг учун яқин келажакда энг биринчи галда мақбарадан “йўлбарс-бут” гумдон бўлса керак. Балки бу антиқа мақбаранинг ўзи ҳам таг-туби билан йўқ бўлар. Чунки халқ Каримов қолдирган бунақа тарихий хотирадан иложи борица тез қутулгиси келади.

Ҳайдар Жамол (Гейдар  
Джемаль)

03.09.2016

Маъба: poistine.org  
Русчадан УХХ таҳририяти  
таржимаси

Муस्ताкиллик эълон қилинган кундан буён Ўзбекистонда битта муаммо суяк суриб келяпти. Яъни президент Ислом Абдиганиевич Каримов муаммоси... Тириги бир муаммо бўлган бу дардисарнинг ўлиги халқ учун минг муаммо туғдиради ҳали. Аммо, бу даҳшатли муаммони енгиб ўтиб, сўнгра текис ва раво кўчаларга чиқиш мумкин. Бизнинг олдимизда бошқа йўлнинг ўзи йўқ.

У 27 йил давомида келтириб чиқарган асоратлар, нафақат Ўзбекистонни, бутун Марказий Осиё Республикаларини издан чиқариш учун етиб ортади.

Унинг шарпаси ёвуз рух сингари Ўзбекистонни бир неча йиллар таъкиб қилади.

Бу «Муаммо» Марказий Осиёда Яқин Шарк фожиасини келтириб чиқармасдан олдин унга қарши минтақадаги соғлом кучлар бир мақсад йўлида бир жабҳага бирлашмоқлари лозим.

Ўзбекистон Ироқ, Сурия каби боши берк кўчага кириб қолса, бутун минтақани хароб қилади.

Туркистон келажагини асраб қолмоқ учун биринчи галда, ўзбекистонликлар кўпроқ жон куйдирмоқлари лозим.

Миллатнинг бой-камбағал, зиёли-оми қатламлари бир муштга айланиб, бир ёқадан бош чиқазсалар, муаммода ечимини топмоқдан ўзга чора қолмайди.

Ўйлаб, ақл билан маслаҳатли амалга оширилган ҳар қанақа иш фаровонликка ва тараққиётга бошлайди. Ақлсизлик ва шошма-шошарлик – беқарорлик ва офатларга сабаб бўлади.

**Ватан – ҳамма учун Ватандир!**

Ўлкамизнинг абгор бир ахволга тушиб қолишида, ҳар биттамизнинг ўзимизга яраша айбимиз бор. Унинг тўғри йўлга кириб, тараққиётга эришишида ҳам ҳар бир фуқаро қурби етгунча фаол иштирок этиши зарур! Бу учун мамлакатда мўътадил қонунлар ва адолатли бошқарув тизими устивор бўлмоғи лозим.

Ишни адолатли сайловлардан бошлаш керак. Мамлакат ичкарисидаги иқтидордаги кучлар мамлакатдан ташқаридаги мухолиф кучларга бу сайловларда қатнашмоқлари учун имкон беришлари зарур. Бўлмаса, эски тос эски ҳаммом, ҳаммаси аввалгидек давом этаверади...



## Унинг ўлганига суюнманглр

Каримов режими биргина мухолифатни мажруҳ қилгани йўқ, бутун бошли ўзбек миллатини мажруҳ қилди. Юраги душманлар отган захарли ўқлардан порадора бўлган тани асрлар асносида захмлардан ачишиб, қаддини ростлай олмай ингранаётган – бутун Ўрта Осиё Республикаларининг олтин бешиги бўлмиш, Ота Туркистонни мажруҳ қилди...

Мухолифат – миллат томирида тоза қон айланиши, баҳс ва мунозараларда ўлканинг ҳар бир аъзоси чиниқиб, юраги аниқ ва соғлом тепиши учун зарур. Мухолифат – жамиятнинг бир бутунлигини ташкил қилиб турган аъзоларни ҳаракатга келтирувчи қувват манбайи демакдир. Мухолифати йўқ жамият – қўл-оёғи мажруҳ, вужуди тўшакка миҳланиб ҳаракатдан қолган хаста каби ночордир.

Ўзини мухолиф санаган ҳар бир одам, буни англамас экан, у мухолиф эмас. У авантюрист ёхуд сиёсий фирибгардир.

Бунга тарихда жуда кўп мисоллар бор. Уларнинг энг сўнгиларидан ва энг ашаддийларидан биттаси – Ўзбекистон президенти Ислом Абдуганиевич Каримов эканлигига бутун бутун дунё гувоҳ бўлиб турипти.

Қонунларни оёқости қилмаганда эди, унинг халқ ардоғидаги собиқ ва демократ президент бўлганига йиллар кечарди. У бугунги кундаги сингари миллатнинг энг қатта душманига эмас, мамлакатнинг миллий қахрамони – янги ўзбек давлатчилигининг асосчисига айланарди.

У куракда турмайдиган тутриксиз ҳаракатлари билан умрини беҳуда ишларга сарфлади. Фаолиятини ўзбек зиёлларининг шахс бўлиб шаклланишига бағишламади.

Мухолифатни шакллантирмади. Миллатга етишмай турган сифатларни у шу шаклда ўз ҳукумати билан ишлаб чиқиб, қанотлари қийилган ўлкага янги бир ҳаёт бахш этолса эди, у ҳақиқий галаба нашидасини сурарди. Гувоҳи бўлиб турганингиздай умрининг поёнида шармисор бўлмасди.

Бугунги кунлардаги каби оиласи бахтсизлигини эпсизлиги орқасидан таъминламасди. Ўлим ва тафтсиз совуқ бир ҳаёт ўртасида, шохи синган қари кўтосдек, кўзлари ғазаб қонига тўлган арслонлар, ўзига ўхшаш шоғол-тулкилар орасида – яъни мухолифат ва душманлари ўртасида, у ҳеч қачон тириклигида ҳам ўлганида ҳам хом талош бўлмасди.

Бадном бўлмасди, бутун халқнинг қарғишига – тул қолган ўн минглаган ўзбек аёллари ва отасиз ўсаётган милёнлаган ўзбек етимларининг гуноҳи учун вақти соати етиб, икки дунёда ҳам жавоб бермасди. Ҳар сафар жиноятларини хаспўшлаш учун атрофидаги яқинларини қурбон беришга ҳожат қолмасди.

Исмаил Хушев айтганидек: “Ислом Каримов ҳокимиятга келган тўқсонинчи йиллар бошида – бир муддат мухолифат билан ҳамкорлик қилишга ҳаракат қилди. Лекин бу узоққа чўзилмади. Буни мухолифат истамади эмас, аксинча

*(Давоми кейинги саҳифада)*

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Каримов ўз феълун хўйлига кўра мухолифатга тоқат қиладиган одам эмас эди...

“Янаям аниқроқ айтадиган бўлсак, унинг ўзи табиатан асли мухолиф характерли одам эди.

Бу шу маънодаки, у ўзи ҳамisha ўзини мавжуд тузимга нисбатан мухолиф фикрли қилиб кўрсатишга уринар ва буни қайсидир маънода қойилмақом қилиб эпларди ҳам”.

Ҳа, у ҳақиқий шайтон эди. Унинг бир умр дили бошқа, тили бошқа бир одам бўлиб келгани, буни бугун тўлиқ исбот этади. Мансаб ва мақсади йўлида у ҳеч қачон ҳеч нарсадан тоймади.

Ёлғон гапириш, ифво, одамларни бир-бирига қайраш, унинг сиёсий услуби эди.

Яна Исмаил Хушев айтгани каби: “Минфинда министр ва ё Қашқадарёда обкомнинг биринчи секретари бўлганида бирга ишлаганлар яхши билишади. Ислом Каримов ҳамisha мавжуд тузумга нисбатан норози қиёфада бўлган ёки ўзин атай шундай қилиб кўрсатган бўлиши мумкин”.

Ҳа, у ўзини атай шундай қилиб кўрсатган.

Бугун буни исботлашга ҳожат қолмади. Вақт ҳаммасини жой-жойига қўйди. Кимнинг ким эканлиги, ҳаммага аён бўлиб қолди. Унинг нияти ҳамisha янада юқори мансаб пиллапояларини эгаллаш, тузумни зулм билан бошқаришга қаратилган эди.

Мол-дунё у учун аввал бошдан иккинчи даражали бўлиб келган. “Аввал иқтисод, кейин сиёсат” деган, у томондан ҳар кун минг марта айтиладиган гаплар ҳаммани чалғитиш учун айтилган.

Унинг коммунист сифатида, иқтисодда шундан ортик нарсани билмаслигини ҳам хаёлдан соқит қилиб бўлмади. Халкнинг дарди, орзу-армонлари уни ҳеч қачон қизиқтирмагани ҳам ҳақиқат. Зарур бўлганда, улардан ўзининг ёвуз манфаатлари учун фойдаланаб келади, холос...

Ҳа, у бутун фаолияти давомида, қилиниши лозим бўлган ишларнинг тамоман тескарисини амалга оширди. Жамиятни турғунликка маҳкум қилиш учун у қўлидан келган барча ёмон амалларни ўзига дастуруламал қилиб олди.

Эргаш Сулаймон

## 25 йил давомида Ўзбекистонни темир мушт билан бошқариб келган одам вафот қилган бўлиши мумкин. Энди воқеалар қандай ривож олади

(«Los Angeles Times» газетасида 30 август куни чоп этилган мақола таржимаси)

1991 йил Совет иттифоқидан мустақил бўлиб чиққан Марказий Осиё мамлакати Ўзбекистонни фақатгина бир киши бошқариб келди.

Ислом Каримов ҳали мустақилликка қадар ўзбеклар лидери эди, ва у чорак асрдан ортик вақт давомида мустабидликнинг барча кўринишларига эга ҳолда ҳукм юритиб келди, дейишади унинг кўплаб танқидчилари.

Аммо Каримовнинг мамлакатни эгаллаб олиши сўнгига етган кўринади, охириги кунларда узлуксиз тарқалаётган хабарларга кўра у вафот этган ёки ўлим тўшагида. Агарда ушбу маълумот тасдиқланса, Ўзбекистон фуқароларининг ҳеч бири қандай йўл тутишни билмайдиган бир қарорга юз тутуди: уларнинг янги лидери ким бўлади, ва бу узоқ қатағон остида бўлган жамият учун нимани англатади?

Охириги марта Каримовни 17 август куни давлат телевидениясида кўришган, ва ҳукумат яқшанба куни унинг касалхонага ётқизилганини эълон қилган. Мамлакатнинг ЮНЕСКОдаги вакили бўлган, президентнинг қизи Лола Каримова-Тиллаева ижтимоий тармоқда отасининг мияга қон қуйилиш ташхиси билан касалхонага ётқизилганини ва ҳозирда реанимация бўлимида тиббий муолажа олаётганини айтган.

Каримовнинг ўлими ҳақида аввал тарқалган хабарлар ўз тасдиғини топмади, аммо Ўзбекистон ҳукумати 78 ёшли президентнинг соғлиги ёмонлашганини биринчи мартаба тасдиқлади.

“Одамлар ҳали нима бўлишини билишмайди”, дейди Одам Чевик, Туркиядаги Марказий Осиёлик муҳожирларни ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи Ўзбеклар ва Туркистон бирлиги ташкилотининг президенти. “Улар умидвор ҳам ноумид ҳам эмас, аммо кейинги лидер Каримовга ўхшамаслигига умид қилишяпти.”

Айни пайтда, ижтимоий тармоқлар президентнинг вафот

эtgани аниқ деган хабарлар билан тўлиб кетган. Москвада жойлашган Марказий Осиё ҳақидаги хабарларларга иқтисослашган Fergana News ахборот агентлиги, президент девонидаги исми келтирилмаган манбага таянган ҳолда, Каримов шанба куни инсулт бўлганини ва душанба куни вафот этганини эълон қилган. Аммо рус ахборот агентликлари Ўзбекистон пойтахти Тошкентдаги бошқа номаълум манбаларга кўра, президент ҳали тириклигини айтишмоқда.

Ўзбекистон Русубликаси Конституциясига кўра сайлов ўтказилишига қадар уч ой давомида ҳукуматни Олий Сенат раҳбари Ниғматулло Йўлдошев ўз зиммасига олиши керак.

Агарда ҳаммаси аввалгидек бўлади деган аввалдан маълум. Мутахассислар фикрига кўра Каримовнинг ўрнига 3 кишидан бирининг ўтириши эҳтимоли катта: Бош вазир ўринбосари Рустам Азимов, Бош вазир Шавкат Мирзиёев ёки Миллий хавфсизлик хизмати раҳбари Рустам Иноятов.

Мамлакат ташқарисидаги баъзи мухолифат вакиллари Азимов уй ҳибисига олингани ҳақида хабар беришди, аммо Тошкент расмийлари буни рад қилди.

### Каримовнинг кетиши ўздан сўнг катта бир сиёсий бўшлиқ қолдиради

“Барча давлат муассасалари бевосита Каримов қарорларига боғлиқ”, -дейди Эрика Марат, Миллий муодофаа Университети доценти. “У хавфсизлик, иқтисод ва маданий ҳаётдаги ҳар қандай масалалар ечими борасида икки-чиркиригача кузатувига олганлиги билан маълум эди”, дейди Марат.

КГБнинг собиқ офицери, Каримов, Совет иттифоқи парчаланиб, Ўзбекистон 1991 йилнинг 1 сентябр куни мустақилликка эришгунига қадар, Коммунистик партия бошлиғи эди. У, Хьюман Райтс Вотч ташкилоти “жиддий қонун бузилишларга йўл қўйилган” деб атаган, мамлакатдаги

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

биринчи президент сайловларида галаба қозонган эди.

1995 йилги референдум Каримов бошқаруви муддатини узайтирди, ва шундан сўнг у яна 3 маротаба қайта сайланди, сўнгги икки сайлов Конституцияга кўра 2 муддатга сайланиш мумкинлигига зид равишда амалга оширилди.

“Мухолифат йўқ қилинди”, дейди Нейт Шенккан, Марказий Осиёдаги демократик бошқарувни кузатиб борувчи, Freedom House ташкилоти тадқиқотчиси. “2000 йиллар бошига келиб мухолифларнинг барчаси ёки сургун қилинган, ёки қамокқа тиқилган ёнги ўлдириб юборилган эди, шулар билан бир қаторда Ўзбекистондан ташқаридагилари ҳам”, дейди у.

Тахминан 10 000 атрофидаги сиёсий махбуслар мамлакат қамокхоналарида қолмоқдалар, улардан кўпчилиги, Human Rights Watch ташкилотининг Марказий Осиё бўйича мутахассиси Стив Свирдловнинг айтишича, ислом экстремист гуруҳларга алоқадорликдаги сохта айбловлар билан ҳукм қилинган. Махбуслар мунтазам равишда қийноққа тутилиб келинган, шу жумладан камида бир маротаба тириклайин қайноққа ташланганлик ҳолати маълум.

“Ҳозирда Ўзбекистон дунёдаги энг коррупциялашган ва мустабид мамлакатлардан биридир. У ердаги 31 миллион инсон қатта ижтимоий қатағонлар ва иқтисодий қашшоқликни бошдан кечирди”, дейди Свирдлов.

Асосий қисми мусулмонлар бўлган давлатда масжидларда ибодат қилиш ҳукумат томонидан норасмий равишда тақиқлаб



## Speculation swirls that the man who ruled Uzbekistan with an iron fist for 25 years may be dead. Here's what might happen next

By Thomas H. Bruneau

Only one man has ruled the Central Asian nation of Uzbekistan since it gained independence from the Soviet Union in 1991. Islam Karimov was the Uzbek leader even before independence, and he has held on to power for more than a quarter of a century with all the tools at a despot's disposal. His main critics are...

In Case You Missed It



келинади. Шунингдек соқол ўстириш, рўмол ўраш ва диний адабиётларга эғалик қилишга жиддий чекловлар мавжуд. 1991 йилдан кейин Каримов исломий мухолифатнинг Уйғониш партиясини тақиқлади. Партия аъзолари қўшни мамлакатларга қочиб кетишди ва кейинчалик баъзилари бирлашиб, ҳозирда ҳам Ал-Қоид ва толибонлар билан биргаликда курашни давом эттираётган жангари гуруҳ, Ўзбекистон ислом ҳаракатини ташкил қилдилар.

Шенкканнинг айтишича, Каримов ўзининг сиёсий рақиблирига ҳужум қилиш учун олдин ислом экстремизми ҳавфидан фойдаланган. “Бу Ўзбекистонда кўплаб норозиликлар ва дарғазабликка сабаб бўлди, лекин аслида бундай хавф йўқ эди. Менимча бу ҳолатда (Каримовнинг ўлими натижасида) зўравонликлар эҳтимоли йўқ, ва агарда бундай ҳолатни кузатсак, ҳукумат қисмларини ўзлари томонидан ташкил қилиниши мумкин деб гумон қиламан”, дейди у.

ҳарбийлари Андижондаги тинч намойишчиларга қарата ўт очди, натижада юзлаб аҳоли қурбон бўлди ва бу Вашингтон билан вақтинча ҳамкорлик тўхтатилишига олиб келди. АҚШ ва Оврўпа Каримов ва бошқа мансабдор шахсларнинг ўз мамлакатларига ташрифини тақиқлаб қўйди.

Иқтисодий турғунлик 2 миллион атрофидаги ўзбекларни Россияда ишлашга мажбур қилди. Пахта экспорти ҳажми бўйича жаҳонда бешинчи ўринда турувчи Ўзбекистонда, миллионлаб аҳоли ҳар йили мактаб ва бошқа ишларини ташлаб пахта ҳосилини теришга мажбурлар.

“Каримовнинг ўлими яхши хабар”, дейди Муҳаммад Солиҳ, ўн йилдан ортиқ вақт давомида Истанбулда сургунликда яшаб келаётган, Ўзбекистонда тақиқланган мухолиф Эрк демократик партияси раҳбари.

“Энг аввало мен Ўзбекистонга боришим керак. Шундан сўнг биз одамларни сайловларда қатнашиш учун тайёрлашимиз керак бўлади, бунинг учун эса бизга халқаро ҳамжамиятлар томонидан ёрдам лозим”, дейди у.

Аммо, миллий таниқли шоир Муҳаммад Солиҳ эркин ва адолатли сайловлар фақатгина келажакда амалга ошиши мумкинлигини эътироф этади. Эркин сайловлар учун халқаро қўллаб-қувватлаш бўлмаса, унинг айтишича “махолифат азоб чекади, 20 йилдан ортиқ диктатура бўлади ва Ўзбекистонда яна демократик сиёсий жараён юзага келмайди.”

Los Angeles Times махсус мухбири Фарук

Манба: latimes.com

Ингилиз тилидан ЎХХ таҳририяти таржимаси



Тошкент 2001 йилдан сўнг Афғонистонда ўтказадиган амалиётлари мақсадида, аскарлари ва ҳарбий ускуналарини ташиш учун қўлланадиган мамлакатдаги ўзининг базаси билан Америкага жудам муҳим аҳамият касб этди. 2005 йилда ўзбек ҳукумати



## ТЎЙИДА АРОҚ ҚЎЙМАГАНИ УЧУН «ДИНИЙ ЭКСТРЕМИСТ»ЛАР РЎЙХАТИГА КИРИТИЛДИ

Би-би-си ўзбек ахборот агентлигининг хабар беришича, Ўзбекистонда диний экстремизмда айбланиб, қидирувга берилган самарқандлик Алишер Жалилов ҳозирда Россияда ҳуқуқий ҳимоя изламоқда.

Унинг сўзларига кўра, 32 ёшли Алишер Жалилов беш йил муқаддам Самарқандга уйланиш учун борган пайт «тўйига ароқ қўймагани боис» ҳуқуқ тартибот идораларининг назарига тушган.

«Намоз ўқирдим. Бир-икки масжидга борган пайтим кузатишган. Мени чақириб, учётга олишди. Россияга кетсанг, бизга хабар бер, дейишди. Аммо мен хабар бермасдан чиқиб келдим.

Шундан сўнг 2012 йилда қидирув эълон қилиб, расмларимни ҳамма жойга осиб қўйишган»,- дейди ҳозирда Санкт-Петербургда яшаб, ишлаётганини айтган меҳнат муҳожир.

У Ўзбекистонга қайтгани тақдирда ҳибсга олиниши ва қийноққа тутилишидан хавотирда.

Алишер Жалиловнинг айтишича, Самарқанд милицияси у билан Россияда танишган ҳамюртларини ўзига қарши кўрсатма беришга мажбурлаган.

Ҳуқуқ фаолларига кўра, Россиядан қайтган меҳнат муҳожирларини диний экстремизм айблари билан қамаш ҳоллари кўпайган.

Тошкентлик ҳуқуқ фаоли Сураат Икромовнинг сўзларига кўра, шу кунларда аввалроқ Россиядан депортация қилинган самарқандлик меҳнат муҳожирлари устидан маҳкама бошланиши кутилмоқда.

«Айблов ҳулосасини ўқидим. Россиядан қайтганларнинг кўрсатмаси асосида ушлаб, депортация қилинган. Бунақалар ҳозир жуда кўп. Судлар бир кун ҳам тўхтагани йўқ», — дейди ҳуқуқ фаоли.

Унинг айтишича, Россиядаги меҳнат муҳожирлари орасида радикаллашиш ҳоллари мавжуд, аммо ўзбек ҳуқуқ-

тартибот идоралари қидирувга бераётганларнинг кўпчилиги ё оддий намозхонлар ёки муқаддам диний экстремизмда айбланиб, қамалган ва озодликка чиққач, рўзгор тебратиш учун Россияга ишлагани кетган ўзбеклардир.

Россиялик фаоллар ўтмишда диний экстремизмда айбланган ўзбекистонликларнинг ноқонуний ҳибсга олиниб, депортация қилиниши билан боғлиқ ўнлаб ҳолатлар ҳақида хабар тарқатишган.

Улар шунингдек, Россия маҳсус хизматларини ўзбек муҳожирларининг ўғирлаб кетилишига алоқадорликда айблаганлар.

ЎХХ хабарлар бўлими

Филиппин президенти Родриго Дутерте, Бирлашган миллатлар ташкилотидан осонликча чиқиб кетиши мумкинлигини, ҳамда Хитой ва бошқа давлатлар билан ўзининг ўхшаш ташкилотини туза олишини таъкидлаган.

Ўтган ҳафтада БМТнинг бир неча инсон ҳуқуқларини ҳимия қилиш бўйича мутахассислари Маниладан мамлакатда ҳаддан зиёд кўпайиб кетган наркотик моддалар савдоси билан шуғулланувчиларнинг қатл қилинишини тўхтатишни талаб қилишган эди.

Ушбу ҳолат Дутерте, тезлик билан наркоманияни таг-туғи билан йўқ қилиш ҳақидаги баёноти билан чиқганидан сўнг юз берган эди. Бугунга келиб 900 киши наркотик савдоси билан алоқадорликда гумон қилинмоқда.

“Агарда сиз мен ҳақимда

## Филиппин президенти: “Тупурдим БМТга. Наркотик савдоси билан шуғулланувчиларни қатл қилиб келганман ва шундай давом этаман”

битта ёмон нарса айта олсангиз, мен сиз ҳақингизда 10 тасини айтишим мумкин. Ҳеч қандай қадрингиз йўқ сизларнинг. Чунки ҳақиқатдан ҳам ўз вазифангизга масъулият билан қараганингизда, сизлар барча бу уруш ва қотилликларни тўхтата олган бўлардингиз”- дея газаб билан таъкидлаган Дутерте, ва БМТ мутахассисларига наркотиклардан вафот этганлар сонини санаб кўришни тавсия қилган.

БМТни терроризм, очлик, шунингдек Ироқ ва Суриядаги зиддиятларни ҳал қилмаганлиги

учун танқид қилган Филиппин президенти, “Балки биз шунчаки Бирлашган миллатлар ташкилотидан чиқишимиз керакдир?” – деб айтган.

Дутерте журналистларга жавобан, бу билан боғлиқ муаммоларга ва оқибатларига тупуришини айтган.

Ҳамда, наркотик моддалар савдоси билан шуғулланувчиларнинг қатл қилинишини ва бу муаммони батамом йўқ қилишни баён қилган.

ЎХХ хабарлар бўлими

«Осмон мезонлардан йилтирар эди. Йигирма йил аввал эди, куз эди, еру осмон тиниқ эди. Ва ҳавода ўргимчак иплари оҳиста сузардики...»

Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Лолазор» романи ибтидосидаги бу жумла худди шеър каби ўқилади. Ўқилиши баробарида муаллиф ўйлаб топган ташбеҳ сингари хотирага муҳрланади. Ўзбек романчилигида хазонрез, ва айниқса, умр кузининг бу каби поэтик тасвирини бошқа биронта насрий асарда учратиш қийин. Умрки, саройларга



## Араб баҳори ва Патриархнинг кузи

ошнолик ва хукмфармоликда ўтган...

Роман ёзилганига йигирма йилдан ошди. Бу йигирма йил асносида муаллифнинг ўзи ҳам қахрамони сингари саройларга ошно бўлди. Бугун саройдан узокроқда, «оҳиста сузиб юрган ўргимчак иплари»ни мушоҳада қилаётган бўлса ажаб эмас...

1997 йилнинг кузи эди. Президент Ислон Каримов билан суҳбат учун девонга таклиф этилдик. Мурод Муҳаммад Дўст Президентнинг матбуот котиби эди. Каримовнинг қабулига киришдан аввал унинг хонасида бироз суҳбатлашиб ўтирдик. Мен Мурод акага «Лолазор»даги қахрамонига ўхшаб кетаётганини айтдим. «Ёзаяпсизми?»,- деб сўрадим. «Материал тўплайман», — деди Мурод ака юзига қитмирона тус берди.

Бунга ҳам 15 йил бўпти. Мурод ака тўплаган «материаллар»нинг биронтаси бирон жойда эълон қилингани йўқ. У раҳбарларидан бўлган давлатнинг хабар агентлиги эса 74 ёшни қаршилаётган Президент Каримовнинг расмини «ретуш» қилиш, ёшартириш билан овора.

Аммобундан 15 йил аввал матбуот котибининг қартайиб қолган давлат раҳбарининг суратларини ёшартириш каби бир ташвиши йўқ эди. Ўша куни гап орасида журналист ҳамкасбларимиздан бири «катта»нинг кайфияти ҳақида сўради. «Кайфияти яхши,- деб бошлади Мурод ака, фақат... «2000 йилда ҳам президентликка номзодингизни қўясизми?» деган

савол ёқмабди. «Нима, мен ўлиб кетаяпманми, нимага менга бундай савол беради?», деб жиғибийрон бўлди «катта», — деди Мурод ака ўпкалаган оҳангда. Саволни мен берган эдим. Бир кун аввал ярим тунда кўшнимнинг уйига телефон қилишиб, (мен яшаётган дўстимнинг уйида телефон йўқ эди) «эртага президент билан суҳбат бўлади, саволларни олдиндан берсангиз» дейишди. Бу тўсатдан бўлган таклиф эди ва мен ақлимга келган биринчи саволни айтдим. Телефондаги Ташқи ишлар вазирининг матбуот котиби «бундан бошқа саволингиз йўқми?» деб сўради норози оҳангда. Мен «саволлар кўп, аммо бу муҳим», дедим. Саволни маъқуллашдим ёки таклифларини қайтиб олиш ноқулай бўлдими, ҳар қалай, котиб ярим кечада яна телефон қилиб, «эртасига суҳбатга келаверинг», деб айтди.

Мурод аканинг «катта»нинг жиғибийрон бўлгани ҳақидаги сўзлари менга қаратилган эди. Нозиктаъб адиб ва матбуот котиби «киложи бўлса шу саволни бермагин» демоқчи эди. Аммо мен ўзимни бу дипломатик назокатни тушунмаганга олдим...

... Аъёнлари қуршовида ҳашаматли қабулхонага ўқдай учиб кирган Президент бизни илик қаршилади ва суҳбатни протоколда кўрсатилган қабулхонасининг бир бурчагидан хорижий хайъатлар билан музокаралар олиб борадиган муҳташам столига кўчирди. Мен унга ўзига аввалдан маълум бўлган ўша саволимни бердим: «2000 йилда ҳам президентликка номзодингизни

қўясизми?»..

Президент жавобини бошлашдан аввал менга, кейин матбуот котиби ўтирган томонга қаради. Сўнг томоғини қириб, «энди, ука...» деб бошлаганича, узок гапирди. Эсимда қолгани аввалдан номзодини қўйиш-қўймаслигини эълон қилса, қандайдир «қора кучлар» ҳушёр тортиб қолиши ва барқарорликка путур етиши ҳақидаги сўзлар эди. Аммо у қанчалик узок гапиргани сайин жавобдан ҳам шунчалик узоклашиб борарди. Гапи-маърузасини

тугатаркан, мен томонга юзланиб, «агар рухсат берсангиз,- дея яна томоғини қирди ва заҳарханда жилмайиш билан атрофидагиларга қаради. Президентнинг киноясини англаган ҳушёр аъёнларидан баъзилари хахолаб кулиб юборишди. «Рухсат берсангиз, дея яна бир марта такрорлади ХҲЧ ҚИМДАН РУХСАТ СЎРАМАЙДИГАН Ҳоқими Мутлак, сизга яна бир-бир ярим йилдан кейин жавоб берсам...». Мен нимага рухсат беришим кераклигини тушунмаганим учун, Президентнинг киноясини ҳам тушунмаганга олдим ва атрофдагиларнинг ўринсиз кулгисидан мулзам бўлмасликка тиришдим. Тўғридан-тўғри жавобдан қочган Президент саволнинг устидан, ундан ҳам кўра кўпроқ менинг устимдан қулишга ҳаракат қилаётган эди. Вахолонки жавоб аниқ эди. У нафақат 2000 йил, балки 2007 да ҳам номзодини қўйиш, устига, 2002 йилда ҳеч қандай сайловсиз муддатини узайтириб олишни режаллаган эди. Эҳтимолки, шуни ҳам билмаган мухбирнинг соддалигидан кулаётган эди.

Аммо бугун орадан 15 йил ўтган бўлса ҳамки, яна ўша савол кун тартибда. Ва нафақат соддадил мухбирлар, балки бутун дунё ҳануз фол очиб ўтирибди: «2014 да номзодини қўядими, қўймайдими?»..

Каримов учун сайловда номзодини қўйиш-қўймаслик деган конституциявий бир дилемма йўқ

(Давоми кейинги саҳифада)



(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

эди. Бундай дилемма орадан 15 йил ўтганидан сўнг ҳам пайдо бўлгани йўқ.

Аммо бугун бошқа бир нарса бор. Бу-картайиб бораётган Президентнинг ёши ёки колумбиялик атоқли ёзувчи Габриел Гарсиа Маркес айтмоқчи, «Патриархнинг кузи».

Бундан уч — тўрт йил бурун Маркеснинг романи таникли мунаққид ва яқин-яқингача Ўзбекистондаги кўғирчоқ «мухолифат» партияларидан бирининг раҳбари бўлган Иброҳим Гафуров таржимасида «Бузрукнинг кузи» номи билан Тошкентда нашр этилди. Ношир дўстларимиздан бирининг айтишича, нашрдан хабар топган президент девонидагилар бундан «адабий воқеа» ясамасликни маслаҳат беришган. Ҳойнаҳой, кўлида мутлақ ҳокимият бўла туриб, ундан яхшилик йўлида фойдалана олмагани боис бахтсиз бўлган, чор тарафдан тинимсиз мақталгани ҳолда, битмас-туганмас нафратга сазовор кўрилган диктаторнинг ўз «катта»ларига жуда ҳам ўхшашидан бўлса керак. Маркес 20 йил ҳокимиятда бўлган қаҳрамонидиктаторнинг кимлигини ханузгача айтмаган. Нима фарқи бор? Зотан унинг кимлигини бугун оддий ўзбек ўқувчиси ҳам билади. Шунинг учун ҳам «Патриархнинг кузи», то патриарх ҳаёт экан ва Ўзбекистондаги эркаларнинг ўртгача умр кўриш нисбати расмий

статистикада худди патриархнинг ёшига мос равишда ҳар йили бир йилга узайиб борар экан, (бу йил 74 деб эълон қилинди) бошқа чоп этилмайди. Аммо ҳокимият қанчалик мутлақ бўлмасин, унинг ҳам инсон умри каби поёни бор. Раҳматли шоир Рауф Парфи, ўзининг айтишича, 60-70 йилларда шоир дўстлари даврасида «сиёсий башоратлар»ни қилиб юрар экан. «СССР деган салтанат қулайди, Ўзбекистон мустақил бўлади» қабилди. Дўстлари ундан «Бунинг учун нима қилиш керак?» деб сўрашса, Рауф ака фақат елка қисар экан. «Мен билмайман, нима қилиш кераклигини, аммо ТАБИИЙ шундай бўлиши керак!» дер экан у. Шоир ўз табиати билан сиёсий жараёнларнинг ҳам табиий ўзани бор, деб ишонган ва хато қилмаган. Бугун араб дунёсида ўзанларни бузиб оқаётган жараёнлар ҳам шоир айтган табиийликнинг ҳосиласи бўлса, не ажаб. Зотан, бу табиийликда ҳамма нарсанинг ибтидоси ва интиҳоси бор. Худди «Патриархнинг кузи» сингари:

«Лекин у ахир биларди бошданок: унга хушомад қилгувчилар уни алдайдилар, у биларди, хушомад учун нақдина оладилар, у биларди, уни шодумон шарафлаган ва унга мангу бахтиёр ҳаёт тилаган издиҳомлар ҳарбийларнинг қурол кучи билан ҳайдаб келтирилади; у буларнинг барини билар ва ўзини шу ёлғонга, шон-шухратнинг шу тубан ўлпонига суяниб яшашга ўргатганди... Умр кузининг хазонгарчилиги бошланганда,

у шунга ишонч ҳосил қилдики, ўз ҳокимиятига ҳеч қачон тўла эга бўлолмайди, бутун ҳаётни ҳеч қачон тўлалигича қамраб ололмайди, зеро, бу ҳаётнинг ёлғиз орқа томонинигина билишга маҳкум, чокларинигина кўздан кечиришга маҳкум... лекин биз бу ҳаётни бутунлай бошқа томондан кўрардик, жаноб генерал, биз уни хўрланган, маҳрум этилганлар томонида туриб кўрардик, биз уни қайғу-ғамларимизнинг битмас-туганмас йиллари оша ичкаридан туриб кўрардик, сизнинг туганмас сарғайган хазонгарчилигингиз йиллари, йиллар оша кўрардик уни, ва шунга қарамай биз яна барибир яшардик ва ҳар ҳолда бизнинг дардимиз дард эди... У эса бизни ҳам, ўзини ҳам яхши билмай мажҳулликда ўтди, бузрук тушмагур, мудом ўзининг чуриллаган даббасига андармон бўлди, тақдирмеҳмонининг ногаҳон бир зарбаси билан омонсиз қулади, илдиз-пилдизи билан кўпорилиб йитди... у энди ҳаётга бегона, кўчаларга гурас-гурас ёпирилиб чиққан ва хуррам қўшиқлар куйлаган одамлар издиҳомининг еру осмонларни тўлдирган қувончларини эшитмасди, у энди байрам оташбозликларини эрк ногораларини эшитмасди, у энди одамлар ва дунёга эзгу хабар тарқатаётган бонг садоларини эшитмасди, мангуликнинг беҳад-беҳисоб вақти ниҳоят тугаган эди»...

Пахлавон Содик  
Би-би-си, Лондон

Ислом Каримовнинг еттизини ўтказиш учун маҳалла раислари аҳоли ва тадбиркорлардан пул йиғиштирмоқдалар. Маҳалла раисларнинг айтишича бундай топшириқ юқоридан бўлган экан. Тадбиркорларнинг айтишича, олдинлари улар камбағал бечоралар учун ҳомийлик қилиб ўлим тадбирларини ўтказар эканлар, энди эса бечора камбағал Ислом Абдуғаниевич Каримовга ҳам пул йиғиб еттиси ва ҳоказо фотиҳаларини ўтказишга мажбурланмоқдалар.

Сурхандарё воҳаси халқида шов-шув юрибди. Агар Шавкат Мирзиёев Президент бўлса охири замон келаркан. У ўта баджаҳил, қонунни менсимайдиган, каллақесар, нопок ва хароми одам деган мишмиш гаплар юрибди. Баъзи бир одамлар уй жойларини сотиб, чет элларга яшашга кетишга тайёргарлик кўришмоқда. Айримлар эса катта кўзғолон тўғрисида айтмоқдалар.

ЎХХ таҳририяга келган мактуб



## ПРЕЗИДЕНТНИНГ ЕТТИСИГА АҲОЛИ ВА ТАДБИРКОРЛАРДАН ПУЛ ЙИҒИЛМОҚДА

Латвиянинг энг таниқли бастакорларидан бири, Курьони карим маъноларининг латиш тилига таржимаси муаллифи 73 ёшли Имантс Калнинш ўзининг Balt-News.lv га берган интервьюсида, ҳозирда араб тили билан кўп шуғулланаётганини ва овоз чиқариб шаҳодат келтирмаган бўлсада, Худо олдида исломни қабул қилганини айтган. Унинг фикрича, ислом – руҳан кучли инсонлар учундир.

-Сиз ҳали ўзингизнинг бастакорлик йўлингизни тугатмадингизми?

-Билмадим. Мен ҳозир жуда кўп вақтни араб тили билан шуғулланиб ўтказаяпман. Бу тилни тўлиқ ўзлаштирмакчиман.

-Қандай қилиб, араб тилини тўлиқ ўзлаштирмасдан, Курьонни латиш тилига таржима қилдингиз?

-Мен араб тилини, ушбу тилдан таржима қилишга етарли даражада биламан.

-Ёзишларича, сиз исломни ҳам қабул қилибсиз, ростми?

-Исломни қабул қилиш учун муайян тартиб мавжуд. Худо олдида мен исломни қабул қилдим, инсонлар олдида эса – тартиб бўйича – йўқ.

-Латвия маданияти ва ўзлиги билан қандай боғлиқлиги бор бунинг?

-Боғлиқлиги бор. Дин – бу ишорат тизимидир. Дунёда кўплаб динлар мавжуд, кўплаб ишоратлар тизимлари бор... -Бу динларнинг бир ўзакдан келиб чиқишини ҳисобга олсак, ислом динининг христианлик олдидаги устунликлари нимадан иборат?

-Исломда христианликда бўлгани каби декоратив қатламлар йўқ. Исломда энг юқори намуна



## Латвиялик бастакор Имантс Калнинш: Худо олдида мен исломни қабул қилдим

сифатида Худо бор. Аммо ислом дини кучли инсон бўлишни талаб қилади – руҳан кучли. Исломда инсон Худо билан яккама якка қолади. У Худо билан мулоқотда бўлиш учун ва унга Худо билан келишишга ёрдам бериши учун воситачидан қўлланаолмайди. У Худонинг на ўлиги ва на онасига мурожаат қилолмайди. У Худонинг олдида бир ўзи туради. У ҳаммаси учун жавоб бериши керак: нима дегани, нима қилгани учун. Бу эса интизом ва руҳан кучли бўлишни талаб қилади.

-Хўш, у ҳолда сиз жангари исломга, исломий гуруҳларга қандай муносабатдасиз? Қотилларгачи?

-Ҳеч ким ўзгартира олмайдиган ислом дини бор – бу Худо тарафидан яратилган ислом. Ва сиёсат бор. Сиёсий мақсадларга эришиш учун


диндан қўлланадиган сиёсий ислом бор, ислом эмас, айнан сиёсий ислом. Шунингдек, моҳиятига кўра ўз халқига ғамхўрликни англаувчи миллатчилик бор, ва қандайдир майян сиёсий мақсадларга эришиш учун ишлатиладиган сиёсий миллатчилик бор. Булар икки бутунлай фарқли нарсалардир. Мен уларни бир-бири билан боғламайман. Исломий гуруҳлар ва исломийлик – бу туркум менга тушунарсиз. Булар қандайдир кадрсиз нарсалар.

Маълумот учун: Таниқли Латвиялик бастакор ва сиёсатчи Имантс Калнинш (Imants Kalnins) илк маротаба Курьон маъноларининг таржимасини латиш тилига таржима қилган. Муслмонларнинг муқаддас китобининг биричи версияси латиш тилида, Калниншнинг араб тилидан қилинган таржима устидаги узоқ йиллик ишларидан сўнг 2011 йилнинг 31 май куни расман ҳавола қилинди.

70 ёшли Калнинш Латвия тарихидаги энг таниқли бастакорлардан бири ҳисобланади, у кўплаб симфониялар, опералар, мумтоз мусиқий пьесалар, хўрлар ёзди, театр постановкалари ва филмларга ёзилган мусикаларга, шунингдек поп ва рок йўналишидаги кўшиқларга муаллифлик қилди.

Латвия фанлар академиясининг фахрий аъзоси (1996), Катта мусиқий мукофот совриндори (Латвиянинг асосий мусиқий мукофоти, 1997). Уч юлдуз ордени кавалери (1998).

ЎХХ хабарлар бўлими



Ўзбекистон истиқлолининг чорак асрлик юбилеи муносабати билан қатор юртдошларимизга Ўзбекистон қаҳрамони унвони берилди. Уларнинг қўпчилиги бу олий унвонга лойиқ эканлигига гумон йўқ албатта. Лекин улар ичидан айримлари бу унвонга ўз меҳнати ва жасорати билан эмас, Президентга қилган лаганбардорлиги эвазига олди, дейишга асосимиз бор.

Эсингизда бўлса Ўзбекистон Халқ Ҳаракати сайтида ва "Эркин юрт" газетасининг 52-сонида "Каримовнинг Хоразмдаги масхараовлиги ҳақида" номли мақола эълон қилинган эди. Қуйида ўша мақоладан айрим парчаларини айнан келтираман:

-Сўзга чиққан вилоят фахрийлар кенгаши раиси Кенжа Ортиқов минбарга чиқди-да президиумда ўтирган Президентга қараб: "Мен Кенжабой Ортиқов бўламан, Ислом ака", деди.

Президиумда депутатларга юзланиб ўтирган Президент 90 градусга бурилиб "Хўш, кейинчи", дегандай нотикқа тикилди.

-Ислом ака, мен вилоят аҳли номидан сизга айтадиган серёзний гапим бор,- деди жиддий оҳангда нотик.

Удумга кўра президентга юзланган кишининг қўли кўксига бўлиб, қомати букчайган, боши эгилган бўлиши лозим эди. Кенжа Ортиқов эса қоматини тик тутиб, қўлларини паҳса қилганича президентнинг кўзига тик қараб гапирётган эди.

Бундай ноанъанавий ҳолатдан бугунги мажлисни таёрлаган президент девони ходимларидан иборат Мирзиёев бошлиқ гуруҳ ҳам: "Булар(сўзга чиқувчилар)ни роса таёрлаган эдикку. Бир кор ҳол чиқармаса бўлди", деганларича



## Лаганбардорликка — қаҳрамонлик

дамини ичига ютиб ўтиришарди.

Мажлис аҳли у ёқда қолиб, минбардаги нотик билан президиумдаги президентнинг бири-бирига қараб туришлари жанга кираётган хўрозларни эслатишарди.

-Сизга айтмоқчи бўлган серёзний гапим шуки Ислом ака, сизни Худонинг ўзи етказди бизга. Сиз бўлмасангиз Хоразм халқининг ҳоли нима кечарди", деди К.Ортиқов ўта бир жиддий оҳангда.

Мажлис аҳли, айниқса президент ичидан: "Хоразм халқи учун нима қилган эканман, бир бачкана гап қилмаса яхши-я", деганларича нотикқа тикилиб ўтиришарди.

-Сиз жаҳонда тинчликнинг гаровисиз Ислом ака, буни мен серёзний айтаямман,- деб давом қилди нотик.

Тожикистондаги Роғун ва Қамбар ота ГЭСлари ҳақида, 2014 йилдан кейин Афғанистонда аҳвол нима бўлади, деган гапларни сиздан бошқа биронта давлат раҳбаридан эшитмадик, — деди К.Ортиқов.

Президент ортиқ чидаб ўтираолмади. Ичидан: "Э, бор экансан-ку!" деганича югура келиб К.Ортиқовни кучоқлаб олди. Бўлди гулдирос қарсақлар...

Ундан кейин сўзга чиққан Боғот районидаги "Боғот" фермер хўжалиги фермери Шарифбой Ражабов минбарга чиқиб ўзидан олдин чиққан нотаққа ҳам паҳса қўйди:

-Ислом ака, таъширифингиз шарофати билан ерларимизнинг мелеоратив аҳволи яхшиланиб, ҳосилдорлик бир неча баробар ошиб кетди,- деди нотик. Бунгада гулдурос қарсақлар янгради. Балки бу қарсақлар 1951 йил Комсомолская правда газетасида Шарифбойга ўхшаган бир товўқбоқарнинг: "Доҳиймиз Сталин туғулган куни шарофати билан товўқларимиз 2 тадан туғобошлади", дегани одамларнинг эсига келиб чалинган қарсақлардир.

Нима бўлганидаям, ўша мажлис иштирокчилари ва у мажлисни телевидения орқали кўрган халқнинг яқин келажақда К.Ортиқов ва Ш.Султоновларнинг президент совғаси(орден ёки унвон)ни олишига шубҳаси қолмади. (иқтибос тугади). Шарифбой Ражабов Боғот совхозига А.Хасанов (Хоразмий), М.Қувоқов директорлик қилган пайтлари ҳам қоқоқ бир бригадир бўлган бўлсада, лаганбардорликни жойига қўярди. Ва ниҳоят, Каримов замонига келиб, унинг бу (лаганбардорлик) хунари унга шон-шараф олиб келди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак Шарифбой Ражабовнинг қаҳрамонлик унвонини олиши ҳақидаги қарорга Хоразмдаги ўша мажлисда имзо чекилган эди. Бугун эса бу қарор эълон қилинди холос.

**Таҳририятга келган мактуб**



## Ўзбекистон Унгартепани ўз ҳудуди деб атади

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Ўзбекистон Қирғизистон билан баҳсли экани айтилиб келинаётган Унгартепани ўз ҳудуди деб атаган ва бу ердаги Қирғизистонга қарашли

радиореле станциясида ишлаётган пайтда қўлга олинган 4 нафар қирғиз ватандошини "Ўзбекистонда ноқонуний юрган шахслар" сифатида талқин қилган.

Ўзбекистон маҳаллий

матбуотининг 25 август куни Ички ишлар вазирлигига таяниб хабар беришича, қўлга олинган қирғиз ватандошлари ҳибсда сақланмоқда ва уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонунларида

белгиланган жазо чоралари қўлланилади.

Аввалроқ қирғиз расмийлари Ўзбекистон ушлаб кетган қирғизистонликларни озод қилиш борасида музокаралар олиб борилаётганини билдирган эди. Қирғизистон ватандошлари Наманган вилояти Янгиқўрғон ички ишлар бошқармаси тергов изоляторида сақланмоқда.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон 22 август куни Унгартепага иккита вертолётда 7 кишидан иборат милиция десантини ташлаган эди.

**ЎХХ хабарлар бўлими**



## ПРЕЗИДЕНТ КАРИМОВНИНГ ИҚТИДОРДАН КЕТГАНИ МАЪЛУМ

Албатта, ҳар бир ўзбек хаёлидан, фалончи нафақага чиққанига қарамай нима учун уйда оёғини чўзиб ўтирмайди, деган саволнинг кечиши табиий. Миллатнинг минталитети ҳисобга олинмаган бўлса, бу жуда ҳам ўринли савол. Чунки, Ўзбекистонда нафақага чиқиш – том маънода тирик ўлиш деган маъно касб этади.

Дунё тамаддунидан жуда ҳам орқада қолиб кетган бу жамият ақидасига кўра эса, тирик ўлиш – етти қат кўрпача устидан оёқ чўзиб, ҳузру ҳаловатда қарилик гаштини сурмоқ, деганидир. Ўлимни кутиб, топганини еб-ичиб яшаш – биз аксар ўзбекларнинг энг ноёб удумларимиз сирасига киради.

Қозикдаги сўқимга боқилаётган ҳўкиздан фарқимиз қолмагач, биз ҳақиқий қайноқ ҳаётдан узилиб, қутсиз ва ҳиссиз тарки дунёчилик гўшангасига ихтиёрсиз тушганимиз билан фахрланамиз. Ёруғ дунёимизни совуқ ва нурсиз зиндонга алмаштиришимиз билан, кўп йиллар ажал каби орқамиздан таъқиб қилиб келган сиёсий-иқтисодий сарсон-саргардонликлардан қутулдик, деб ўйлаймиз. Чунки узоқ чўзилган бетайин йиллар, эркин ҳаётнинг йўқлиги ва ҳақсизлик бизларни дунё ташвишларидан зада қилган, биз яшашдан – фаол турмуш тарзидан, дунё ҳамжамияти билан уйғун умргузаронлик қилишдан чўчиб қолганмиз.

Кўпчилигимиз миллат сифатида, Мустақиллик йилларида ана шу мақомда яшадик. Президент Каримовнинг қош-қовоғига тикилиб, ичимиздан зил кетдик,

ўғил-қизининг кўлида қолган қария каби ҳаёт инжиқликларидан безгандан бездик.

Аксига олиб, бошқа бир шароитда яшаб кетишга ҳам мослаша олмадик. Биқик ҳаёт бизларни афюн каби ўз исканжасига олиб, хорликлар ва зорликларнинг хуморига ўргатиб қўйди. Бир кун бизни камситмасалар, бир кун силталамасалар, ўзимизни назардан четда қолгандек ҳис қиладиган бўлдик.

Жамиятда зиёлилар қатламининг субутсизлиги, ҳукуматнинг зулмини борҳо оширганлиги мисоли, миллатнинг ғайрат-шижоатини сўндирди. Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Саид Аҳмад, Озод Шарафиддинов, дин пешволари ва ҳақозо миллатнинг кўзининг ёғини еганлар, уни мустабиднинг қозиғига тортиш учун кўлидан келган барча ишни амалга оширди ва охирида ўзлари ҳам мустабиднинг тўрига бутун вужудлари билан ўрашиб, қилмишларининг жабрини тортдилар.

Мустабид руҳан бўлсин, жисмонан бўлсин, энди ўлди ҳисоби.

Бу ҳолат тутқунликка кўниккан миллатни илгариги мақомдан ҳам юз тубан пастга тушириб юборди.

Президент Каримовнинг иқтидордан кетгани маълум бўлгач эса, жамиятдаги саросима ва кўркүв яққол кўзга ташланмоқда. Мустақил фикрлашдан ва мақбул қарорлар қабул қилишдан мосуво қилинган миллат саросимада. Ҳар ким оғзига келганини сўзлаб, ҳар ким хаёлига келганини тўғри

деб ҳисоблаши, бунинг оддий исботидир.

Болаларимизнинг эртаси, мамлакат келажаги бизларни қизиқтирмайди. Асносида, уларни ҳам бедодликларга панжа орасидан қарашга, мустабидларнинг ҳар қанақа ноинсоний зулмлари ва беҳаёликларига кўникишга чақирамиз. Бу ватан бу миллат бизники бўлса ҳам, унинг муаммоларини ечиш бизнинг бош вазифамиз эмас, гўё бу ишлар бизга алоқаси йўқдай туюлади. Барчасини, четдан кимдир келиб ҳал қилиши лозим, фақат бизлар эмас, деб ўйлаймиз.

Четдан келадиган ўша жонқуяр, ўша мавҳумотнинг ўзимиздан ўзга бўлиши мумкин эмаслиги тўғрисида эса, ҳеч қачон фикр юритмаймиз. Ёки, ўша мавҳумотнинг рус, хитой ёхуд ўзга бир истеълочи бўлиши ҳам мумкинлиги, бизларни изтиробга солмайди. Бутун умр ўз ечимини тополмаган муаммоларни ўзимизни гўлликка солиш баҳонаси билан бола-чақа зиммасига ортмоқласак бўлди, азалда ўзимизга юклатилган масъулиятлардан ўзимизни шу алдамчи йўл билан соқит қилган бўламиз. Кети кўринмайдиган мағлубиятларимиз, кўзларимизга қўнғироқларини жаранглатиб бораётган “ғалаба” қарвони бўлиб кўринади. Аслида эса, бизлар мағлубиятларимизнинг наъшидасини сураётган бўламиз.

Дунёни англай олмаслик хасталиги – афн бўлиб онгимизни элитади.

Шууримизни измимизга сола олмаганимиз сабаб, яна ўзимиз ўз болаларимизни эшак этиб миниб оламиз. Ҳеч қачон ўртага келтиролмаган ишларимизни, ёзилган ҳақ-ҳуқуқларимизни қонунлардан талаб қила олмаган бўлсак ҳам, фарзандлардан уларга жавоб беришни талаб қиламиз. Ёш боладек хархаша қилиб, ўтмишда амалга оширган йўқ “қахрамонликларимиз салномаси”ни бармоқ букиб, санаб, ёшларни ношудликда айблаймиз. Баробарида, ҳар сония болаларимизнинг қанотларини қийиб, учишларига монелик ҳам кўрсатамиз.

Ўлгунимизча, мустабид тузум бедодликлари, бизлар учун энг асосий дастуруламал бўлиб қолади.

Президент Каримовга ўхшаган диктаторларни, ҳеч қачон ўлмайди, деб ўйлаймиз. Ўзимизнинг ҳар кун

*(Давоми кейинги саҳифада)*

*(Давоми: Боши олдиги саҳифада)*

минг ўлиб-тирилаётганимизни эса, сезмаймиз...

Ер юзида, биз ўзбеклар сингари болалари ҳақ-ҳуқуларига хиёнат қиладиган яна бир бошқа миллат бўлмаса керак!

Фикрлашни, сиёсатни англамаган одам бу дунёдан бошига таёқ еган илон сингари қай тешикка бош суқишни билолмасдан, гарангсиб, умри ўтиб кетганидан хабарсиз қолади. Бир умр кўзлари тўрт бўлиб кутган рўшноликка имкон туғилганда эса, баъзи бир кимсалар диктатор Каримов сингари ҳали туғилганидаёқ, ўзининг чиқитга чиқарилганлигини сезиб қолиб, ҳаммаси беҳуда ўтганидан пушаймон бўла бошлайди.

Хоҳ у бой бўлсин, хоҳ у камбағал, бунинг аҳамияти йўқ. У яроқсиз бир шахс сифатида, энди ошқора бир тарзда жамият ҳаётидан ажратиб қўйилади.

Яъни, пушаймонлик нима билмайдиган, миллат ва дин душмани бўлган чала ўлик президент Ислоҳ Каримов каби.

Ўзбекистонда, энг яхши одам – ўғри ва қаллоб бўлгани сингари, энг ёмон одам – дину диёнатли ва қамалиб чиққан одам.

Аммо жоҳил ва бой одамнинг кунидан қамалиб чиққан аксар одамнинг куни кўп авло.

Ҳатто, қамокдаги эрки ўзидамас маҳкум билан очикдаги жоҳил ҳаётида, унчалик тафовут йўқ деса ҳам бўлаверади. Қамалган одам ўлмасдан, майиб-мажруҳ бўлмасдан бир амаллаб қамокхонадан чиқса, ҳаётини қийналиб бўлса ҳам минг бир машаққат билан изга солиши мумкин, жоҳил одамнинг ҳаётига “каримовчи” тамғаси урилгач қайта ўнгламайди. У жоҳиллигича, қаерга, нима учун келиб кетаётганини билмасдан ўлиб кетади.

Мантиқан фикрлайдиган бўлсак, бу иддаоларда заррача ҳам лоф йўқ.

Президент Каримовнинг терлаб-пишиши натижасида, ўлка очик гўрга, жоҳиллар тирик ўлдирилган-у ҳали кўмилмаган мурдаларга айлантирилганлар.

Улар орасидан илгари арокхўр ёки ялоқхўр бўлган бир-иккисидан соқолини селкилатиб, телевизирдан чиқиб, мустабид тузумнинг нағорасига ўйнаб бериш учун реклама сифатида фойдаланилмаса, қолганига бўлган иззат-хурмат оғизда ва қоғозларда қолиб кетади. Амалда, уларнинг

хонавайрон бўлган ўлкани томоша қилиб, ўмарганларини еб-ичиб, ўлимларини кутиб яшашларидан бошқа чоралари қолмайди.

Ўмармаган, бирор бир ташкилотни ўпиришга имкони бўлмаган аксар жоҳилларнинг эса, сохтакорлик ва ёлғон-яшриқлар ҳисобига тишини кирини сўриб яшаётганлари ҳам бор гап.

Илгари юқори лавозимларда ишлаган, доврўғи етти иқлимга дoston бўлган Исмоил Жўрабеков каби машҳур юзлаган кимсалар бошида ҳам, йилларки мана шу муаммо байроқ тиккан. Уларнинг оёғини ялағудек бўлиб атрофидан кеча-кундуз айрилмайдиганлар, улар иқтидордан кетгач, у томонга қараб чоптирмайдилар ҳам.

Шавкат Мирзиёев ва у кабиларни ҳам эртага мана шу ҳаёт қаршилайди. Аммо, бунақа кишилар ўлса бахтлари, осон кутуладилар.

Собиқ президент Ислоҳ Каримов каби ўлолмайд тўшақда қон қусиб ётса, бундан ёмони бўлмайди.

Қоруннинг карвонини талаган қароқчи сингари Ўзбекистонни талон-тарож қилган Исмоил Ҳакимовичнинг ўзини эса, бу ҳолат кўпам куйинтиравермайди. Унга иқтидорга келиши кутилаётган Шавкат Мирзиёевнинг фашистлиги кўзиб, ташланиб қолмаса, бас, қолганлари аҳамиятсиз ва беҳуда нарсалар. У учун ер юзида уй қамоғидан кўра яхшироқ бир жой қолмаган. У усти бут, қорни тўқ, “Азроилга уч-тўрт сўм пора бериб”, умрини чўзиб турса бўлгани...

Лўлининг эшагини суғор, пулини ол, деган сўз айнан ўзбек учун айтилган. Ўзбек учун така бўлсин, сут берсин, унинг қолгани билан иши йўқ. Шунинг учун ҳам биз асрлар бўйи на сиёсатда, на иқтисодда арзугулик мувафаккиятларга эриша олмаймиз. Ўтмишимиздаги яхши-ёмон қилган ишларимизни обдон таҳлил қилиб, порлоқ бир келажакни бунёд этиш учун миллий сафарбарлик эълон қилмаймиз.

Бизга ҳар кун моддий манфаати тегиб турмаган одам – хоҳ у отамиз бўлса ҳам, биз ундан воз кечамиз, барчасини хўжакўрсинга ўзимизга ўхшаганларнинг кўзи учун мунофиқона бир ўзанга солиб олганмиз. Аввалда кўрилган ҳар қандай фойда, минган отимизнинг оёғи синган кунда ҳаёлимиздан кўтарилиб қолади.

Бугун биз президент Каримовнинг аниқ ўлган-

ўлмаганини билмаганимиз учун, ҳар эҳтимолга қарши унинг ёнини олиб турибмиз. Аниқ ўлганини билганимизда эдик, ўлигини бориб қирқ тепардик.

Мантиқ билан бизнинг ҳеч қанақа ишимиз йўқ. Унинг ўлганидан ўлмаганининг энди жуда ҳам даҳшатли эканлигини ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Бу оғир дарддан миясига қон урган кекса одам ўлиб қутилмаса, ит азобида яшаши мумкинлиги бизни қизиқтирмайди. Мамлакатни бошқариш тугул, унинг эплаб пешобга боролмаслиги ҳам биз учун аҳамиятсиз.

У 27 йил бутун миллатни кўғирчоқ қилиб ўйнатди, у ўлмаса, энди уни ўзи етиштирган ҳукуматдагилар бир муддат кўғирчоқ қиладилар. Кетига чўп тикиб, саҳнага чиқариб уни калака қила бошлайдилар.

Қайтар дунё!

Ким нима эккан бўлса, ўшани ўради.

Биз кечаги кунни эсдан чиқариб яшашга ўрганиб қолганмиз. Чунки, отамизнинг қарашлари ҳам, отамизнинг отасининг отасининг қарашлари ва унинг отасининг отасининг қарашлари ҳам, бизниқидан ўзгача бўлмаган. Иллатлар, бизларга бобо мерос бўлиб, авлоддан-авлодга тўрт асрдан буён суяк суриб келмоқда.

Аслида, бу ишларда жабр этувчилар эмас, жабрланувчилар асосий айбдор ҳисобланадилар. Масалан, президент Каримов вазирлару ҳокимларни мактаб-мактаб лавозимга ўтиртиради-да, бутун жиноятларни уларнинг қўли билан амалга ошириб, сўнгра уларни сўкиб-сўкиб, кетига тепа-тепа бутун халқ кўзи ўнгида шармандасини чиқариб ишдан олади. Вазирлару ҳокимлар уйбеги бўлиб ўтириб олиб, сўнгра ҳаром-ҳалолдан йикқанларини каламушдек қорнғи гўшасида, еб, ўлимларини кута бошлайдилар.

Барча жиноятларнинг аслида, президент бошчилигида амалга оширилаётганини улар ҳаммадан кўра ҳам яхшироқ биладилар-у, аммо оғзиларига талқон солиб оладилар. Чунки, улар шахс эмаслар, уларда озодлик ва ҳурлик тушунчаси йўқ. Улар ҳамма замонларда ҳам, ҳокимиятда мансабни эгаллаб турган кимсаларнинг содиқ кули бўлиб келганларнинг, миллатни – Чўлпонлару Мадаминбекларни сотганларнинг, отганларнинг

*(Давоми кейинги саҳифада)*

**(Давоми: Боши олдинги саҳифада)**

авлодларидирлар. Улардан, хоинлик ва миллат бошига келадиган балою офатлардан бошқа нарсани кутиб бўлмайди.

Мана шунақа мансабдорлар шахс бўлмагани, тарихи ва ўтмишини, ўзининг кимлигини билмагани учун ҳам қадим Туркистон парча-парча бўлиб, бўлиниб кетган...

Шу ўринда, бу масхаромуз гапларнинг кимга кераги бор, дейдиган, баъзи бир ўқувчиларимиз диққатига ҳам бир-икки оғиз сўзимиз бор:

Албатта, биз айтаётган гапларнинг қанчалик воқеъликка мос ё мос тушмаслиги асосий масала эмас. Гап, мантикда! Бу барчаси, халқнинг тилидан олиб ёзилган нарсалар, холос.

Асосийси, одамларни хоҳлаган кўйимга сола оламан, уларни истаганимча аҳмоқ этиш менинг қўлимдан келади, дея, ўзини-ўзи авраб, охири шармандаларча қулаган мустабид Каримов ва у бошлиқ ҳукумат амалга ошираётган ишларнинг – халқ тасаввурда – қанақа акс этиши, масаласи.

Ҳа, бош масала, мана шу!

Халқнинг орзу-умидларидан, унинг хоҳиш-истакларини, улар ва биз ҳақимиздаги тасаввурлардан

бошқасининг, биз учун бир чақалик қиммати йўқ.

Ўзимизни ва ичимиздаги шайтонимизни чегаралаб туришимиз учун халқнинг ҳамма замонларда ҳам, донишмандлиги – том ҳақиқат эканлигини, унинг хотирасини ва ақл-тафаккурини буткул йўқотишнинг имкони йўқлигини, биз теран англамоғимиз керак. Ҳуқмдорлар шоҳида юрган бўлса, халқнинг баргида юрган фарзандлари ҳам борлигини бир лаҳза ҳам хаёдан соқит қилмаслик, ҳамма замонларда ҳам ҳаёт талаби бўлиб келган.

Албатта, бизнинг сўзларимиз ҳам нисбийдир.

Ҳар қанақа миллатга раҳбар – кўркмас ва оташин йўлбошчи лозим. Шу каби ўзбек миллатига ҳам. Унинг нималарга кодирлиги, ана ўшанда аён бўлади.

Ўзини жонқуяр, ҳисоблаб, баъзи бир сўқир “зиёли”лар каби йўлбошчисиз қолган бир миллатдан ўринсиз ўпкалаш, ғирромлик ва фаросатсизликдан бошқа ҳеч нарса эмас. Бу, қаровсиз қолиб кетган отарни бўрилар бўғизлаб кетгач, ўзининг айбини ёпиш учун кўйларни айбашдек бир гап.

Чўпоннинг бошига бўриларни жазолаш фикри келмаслиги эса, “Ўзбекистонимиздаги тинчлик ва

фаровонлик учун президентимиз, Ислоҳ Каримов отамизга минг раҳмат” деганганга ўхшаган бир ҳолат.

Чўпон чўпон бўлмаса, чўпон суратига кириб олган бир фирибгар бўлса, кўйларда қанақа айб бўлиши мумкин. Фирибгар чўпонлик даъвосини қилгач, чўтир ва қўтир шоғоллар ёвуз ва қонхўр бўри бўлади-да.

Чўпон ҳақиқий чўпон бўладиган бўлса, кўйлар суруви бўрига айланиши ҳам мумкин. Шу учун миллат олдида, ҳукуматдагилардан кўра кўпроқ ҳаққи ва бисёр қарзи бор зиёлилар, ўзларининг фаолиятларини тафтиш қилиш масалаласини ўйлаб кўрсалар ёмон бўлмасди...

Миллат қаршисига ҳақиқий бир йўлбошчи шаҳидлик кафанини кийиб чикмас экан, халқ асл ҳақиқатларни ҳам чўпчакларга айлантириб юраверади.

Ҳақиқий ва оташин йўлбошчи эса, бугун бизнинг орамизда бор...

Яқин орада, унинг иқтидорга келиши ҳам реал ҳақиқатга айланмоқда.

Бу халқнинг хоҳиш-иродасига, миллат ичидаги зиёлиларнинг нечоғли теран ва мантиқан фикрлашига боғлиқ.

**Эргаш Сулаймон**

Рио Ёзги Олимпиадасида Ўзбекистонга иккинчи олтинни олиб берган Руслан Нуриддинов жонли эфирда айтган сўзларининг кейинчалик қирқиб ташланиши муҳокамаларга сабаб бўлмоқда.

Русланиннг жонли эфирда «Оллоҳимга шукр», деган сўзлари «Спорт» телеканалининг кейинги репортажларида олиб ташланди.

Ушбу ҳолат ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларнинг назаридан четда қолмади.

Тошкент шаҳридаги масжидлардан бирининг имоми шундай ёзади.

«Унинг «Аллоҳга шукр, Аллоҳимга шукр» деган сўзларини кесиб ташлашибди. Аввалги эфирни кўрганим боис, кейингиларига эътибор қаратдим. Ва тез илғадим. Биз қаерга кетаяпмиз», дейди у.

Имомга кўра, Шўролар даврида эфирдан «эй Худо, эй Аллоҳ» сўзларидан олиб ташлаш даҳрийларнинг иши бўлган.

Муаллифнинг таъкидлашича, оммавий-ахборот воситаларида диний ўламо ва имомларга сўз берилмай кўйган.

Кўрсатувга чақириладиган имомлар ҳам шунчаки фон

## Ўзбекистон телевидениесида Аллоҳга шукр қилиб бўлмайдами?

учун ўтириб, уларнинг ўрнига хонандаларнинг фикрларига кўпроқ ўрин ажратилмоқда.

Бошқа фикр билдирувчилар ҳам Ўзбекистон телевидениесининг диндорларга нисбатан салбий муносабати ҳақида ёзган.

«Телевизорда кўча, боғларни кўрсатса, биронта ҳам ҳижоб ўраган аёлни учратмайсиз. Бирор марта Аллоҳ демайди», — дейди бир фойдаланувчи.

Тошкўтаришбўйича Ўзбекистонга иккинчи олтинни олиб келган Руслан Нуриддинов билан боғлиқ яна бир жиҳат мухлисларнинг эътиборини тортган.

Ҳолиблиқдан бир неча соат ўтар-ўтмас соқолли Русланиннг соқоли қиртишлаб олинган расми ижтимоий тармоқларда айлана бошлади.

Бу ҳам турли салбий ва ижобий муносабатларга сабаб бўлмай қолмаган.

Айрим фойдаланувчилар унинг соқолини олдиришида бирор тазийқ бўлганига ишонишмаганини

айтишган.

Расми ижтимоий тармоққа жойлаган Ўзбекистон Олимпия қўмитаси расмийларидан бири, Руслан соқолни ўз ирими туфайли олдириб ташлаганини ва унга ҳеч ким бу борада кўрсатма бермаганини билдирган.

Ўзбекистон диндорларга бўлган таъқиб ва тазийқ сабаб, халқаро ташкилотлар томонидан танқид қилиб келинади.

Ҳижоб ўраган аёллар давлат ишларига деярли йўлатилмайди.

Кўча ва бозорларда диний либосларда юрган аёлларга нисбатан таъқиб ҳолатлари ҳақида хабарлар олинган.

Соқол кўйиб юриш ҳам давлат томонидан хуш қаршилланмайди.

Бу ийил олий ўқув юртига ҳужжат топширишни истаган абитуриентларнинг соқоли бироз ўсган бўлса, ортга қайтариб юбориш ҳоллари учрагани ҳам хабар қилинганди.

**Манба: [bbc.com/uzbek](http://bbc.com/uzbek)**



А с о с и й  
шиор «ЭРК-  
БИРЛИК -ВАТАН  
МУСТАҚИЛЛИГИ»

Орадан 26 йил  
ўтиб бу шиорларни  
текинга ёзиб  
берган Урганч  
бадий фонди  
р а с с о м л а р и г а  
ва хусусан  
фонд раҳбари  
ҳ а й к а л т а р о ш  
Шавкат Усмоновга  
м и н н а т д о р л и к  
билдираман.

У р г а н ч л и к  
бастакор ва Сабо  
ансамбли раҳбари  
Вадим Фаёзовга

ҳаваскор «Машъал Хоразм»га  
ҳам раҳмат. Уз исмини митинг  
ташкilotчилари қаторига қўйиб  
жасорат кўрсатган кекса журналист  
Фозил Зоҳид, шоир Матназар  
Абдулҳаким, ҳайкалтарош  
Солиҳ Қодиров, рассом Даврон  
Иўлдошевларни ҳам мамнуният ва  
ғурур билан эслайман.

С и ё с и й фаол Сафар  
Бекжон, шарқшунос Рашид Зоҳид,  
журналист укам Қудрат Бобожон  
ва вилоят имом ҳатиби Аҳмаджон  
акага ҳам митинг ташкilotидаги  
ҳиссалари учун раҳматлар.

Урганч туман мусика мактаби  
директори Раҳимовга, доктор  
Рўздат Ражабовга, математика  
муаллими Гулбахор Қўшбоевага,  
мусика муаллима ва шоир Маҳмудга.

Бухородан келиб митинг  
қатнашган рассомлар Асад  
Барноев, Музаффар Абдуллаев  
ҳамда Баҳодир Саломовлардан ҳам  
чексиз миннатдорман.

Манғитлик Баҳодир  
Қутлимуродов, Гурланлик Мансур  
Содиқов, Янгибозордан Солиҳ  
акани барча укалари, Ҳазораспдан  
Баҳтиёр ака, Матчонбой.

Митингни видеотасвирга олган  
Ҳамид оға Маткаримов.

Пазик автобуси билан митингга  
одам ташиган савобталаб урганчлик  
ҳайдовчи... Бугун исмларини  
унутганим бошқа юзлаб кишиларни  
ҳам Ўзбекистон мустақиллиги  
билан табриклайман. Сизлар ойдин  
юзли ва шон-шарафларга лойиқ  
ватандошларимсиз.

**Шуҳрат Бобожон**  
27.08.2016

Манба: Facebook.com

## Ўзбекистон мустақиллиги талаб қилинган митинг

Бундан 26 йил аввал 1990 йили  
Урганчдаги Спартак стадионида  
«Ўзбекистон СССР дан ажралиб  
мустақил бўлсин» деган талаб  
булан митинг ўтказгандик.

27 август эди. Аввалига шаҳар  
ижроқўми раиси Рустам Султонов  
ва вилоят обкоми котиби Эркин  
Раҳмоновлар » 27 августда совет  
киноси кунини нишонлаётган  
урганчликларга ҳалақит  
берасизлар» дея митингга изн  
бермасликка уринишди.

Лекин ҳар ҳолда Горбачев  
шарофати билан митингга изн  
олдик. (Яшасин Горбачев деган  
шиорни ҳам ёзиб қўйдик)

ҳам раҳмат. Митинг сўнгида  
урганчликларга концерт ташкил  
қилиб бергани учун. Митингда сўзга  
чиқиб комсомолни танқид қилган  
ва қўшиқлар айтган кино артисти  
Шоҳасанам Қиличевага ҳам раҳмат.

Митинг ташкilotчиларига жуда  
катта қўмак берган журналист  
Рўзимбой Ҳасандан миннатдорман.

Митинг ҳақидаги эълонни  
телерадиокомпания тақиқига  
қарамасдан эълон қилган  
Хоразм вилоят радиосидаги  
ватанпарваларга таъзимлар.

Уша куни митинг эълонини ўрта  
тўлқинда 200 марта эфирга узатган  
радио пират, хулиган радио-

Давлат Мустақиллиги  
1990-йилнинг 20-апрел куни  
тантанали эълон қилинаркан,  
советчасига суверенитетдан ҳам,  
социалистик демократиядан ҳам,  
социалистик услубдан ҳам озодлик  
назарда тутилганди.

«Иттифоқдош республика  
– суверен совет социалистик  
давлатдир», дейилган СССР  
Конституциясининг 76-моддасида.  
Уша Конституциянинг муқаддимасида  
эса совет халқининг бош вазифаси  
«социалистик демократия  
тараққиёти давом этишига  
интилиш» экани белгиланган.

Ўзбекистон Совет Социалистик  
Республикасининг халқи, «суверен  
совет социалистик давлат»,  
«социалистик демократия»,  
«ишлабчиқаришнинг социалистик  
услуги» каби, гўёки, улкан  
неъматлардан баҳраманд эканига  
қарамасдан, дарсликларда  
«социалистик демократия —  
энг тўғри демократиядир» деб  
ўқдирилган бўлса ҳам, Давлат  
Мустақиллигига интилиб, унинг  
учун курашиб келди.

## Давлат Мустақиллиги эълон қилинаркан, озодлик назарда тутилганди

Ўзининг Таъсис Қурултойини  
1990-йилнинг 30-апрел куни  
ўтказган «Эрк» Демократик  
Партияси кўрсатган ташаббус,  
у тайёрлаган қонун-лойиҳа ва  
унинг ташкilotчилиги натижасида  
1990-йилнинг 20-июн куни  
Мустақиллик Декларацияси қонун  
мақомини олди. Яъники, Ўзбекистон  
Совет Социалистик Республикаси  
Давлат Мустақиллиги Ўзбекистон  
Совет Социалистик Республикаси  
Олий Совети Сессиясида тантанали  
эълон қилинди ва унинг моҳиятини  
белгиловчи асосий қоидаларга  
қонун мақоми берилди.

Қуйида Мустақиллик  
Декларациясига қонун мақомини  
бериш учун Олий Совет Сессияси

20.06.1990 куни кўриб чиққан  
ва муҳокама қилган асос ҳужжат  
бўлган қонун-лойиҳанинг тўла  
матнини келтирамиз.

### Мустақиллик Декларацияси

Ўзбекистон Совет Социалистик  
Республикаси Олий Кенгаши:

Ўзбекхалқининг давлатчиликдаги  
тарихий тажрибасига, кўпасрлик  
маданий меросига, маънавий  
қадриятларига ва бой аъноаларига,  
халқаро ҳуқуқ қоидаларига,  
умумбашарий қадриятларга ва  
демократия принципларига таяниб,  
ҳар бир миллатнинг ўз  
тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини  
таъминлашдан иборат олий  
мақсадлар ҳақи,

Ўзбекистоннинг келажаги учун  
тарихий жавобгарликни чуқур ҳис  
қилган ҳолда,

Ўзбекистон Совет Социалистик  
Республикасининг Давлат  
Мустақиллигини тантанали эълон  
қилади.

1. ЎзССР Давлат Суверенитети

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

ўз ҳудудининг барча таркибий қисмларида ЎзССР давлатининг устунлигидан ва барча ташқи мулоқотларда унинг мустақиллигидан иборат.

2. ЎзССР давлат ҳудудининг таркиби ЎзССРнинг демаркация қилинган давлат чегараси билан белгиланган қуруқлик, ерости, сув ва ҳаводан иборат. ЎзССРнинг давлат ҳудуди ва давлат чегараси даҳлсиздир ва халқнинг референдум йўли билан ифодаланган розилигисиз улар ўзгартирилиши мумкин эмас.

3. ЎзССР давлат ҳокимияти унинг ҳудудига кирадиган барча таркибий қисмлари устидан амалга оширилади в а шу ҳудуд ичида бўлган ҳар бир шахс унинг тасарруфидадир.

4. ЎзССР Конституцияси ва ЎзССР қонунлари ЎзССР ҳудуди ичида мутлоқ кучга эгадир. Жумҳурият суверенитетига зид бўлган ССР Иттифоқи қонунлари ЎзССР Олий Совети томонидан жумҳурият ичида тўхтатиб қўйилади.

5. ЎзССР давлат ҳокимияти қарамоғига ЎзССР ташқи сиёсати ва унинг бошқа давлатлар билан алоқасига тегишли барча масалалар киради.

6. ЎзССРнинг Давлат Суверенитети халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларини тан олиш ва ҳурмат қилишни, халқаро-ҳуқуқ муносабатларида демократик асосда қатнашиши ва дипломатия фаолиятини амалга оширишни кўзда туттади.

7. ЎзССРнинг давлат ҳокимияти ЎзССРнинг бошқа давлатлар билан иқтисодий муносабатлари принципларини белгилайди ва унинг ташқи иқтисодий алоқаларини бошқаради.

8. ЎзССРнинг Давлат Мустақиллиги умумхалқ ҳокимиятини рўёбга чиқариш, ўз тараққиётини ўзи таъминлайдиган демократик давлат қуришнинг табиий ва зарур шартидир.

9. ЎзССРнинг Давлат Мустақиллиги фуқаролар, сиёсий партиялар, жамоа ташкилотлари, оммавий ҳаракатлар ва диний ташкилотларнинг давлат ва жамият ҳаётини бошқаришда уларнинг тенг ҳуқуқий имкониятларини рўёбга чиқаришнинг зарур шартидир.

10. ЎзССР давлат ҳокимияти фақат демократик асосда ЎзССРнинг қонунчилик, ижроия ва суд ҳокимиятларига бўлинади, улар ўз функцияларини ЎзССР халқининг манфаат ва эҳтиёжидан келиб чиқиб бажаради, миллатларнинг ва элатларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлайди. Шунингдек, озчиликни ташкил қилган гуруҳлар



ўз фикри ва манфаатларини ҳимоя қилиши учун имконият яратиб беради.

11. ЎзССРнинг қонунчилик ҳокимияти ЎзССР Давлат Мустақиллигини амалга ошириш учун зарур бўлган қонунларни ишлаб чиқади, ЎзССРнинг сиёсий ва иқтисодий системалари таркиби ва қурилишини белгилайди.

12. Мазкур Декларация ЎзССРнинг янги Конституциясига ва ЎзССР қонунчилигини мукамаллаштиришга асосдир.

Келтирилган матн Олий Совет Сессиясига 1990-йилнинг 20-апрел куни овозга қўйилди ва бир овоздан тасдиқланди. Тасдиқлангандан кейин, ғайриқонуний равишда, баъзи ўзгартишлар киритилди, лекин улар ҳужжат моҳиятига таъсир кўрсатадиган жиддий ўзгартишлар эмасди.

Энди бу ҳужжат руҳининг ва ҳарфининг юқоридаги матндан келиб чиқадиган асосий жиҳатлари тўғрисида мулоҳаза юритайлик, зеро ҳар қандай қонун унинг руҳи ва ҳарфи билан баҳоланади.

“Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши: Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Давлат Мустақиллигини тантанали эълон қилади.” дейилган жумланинг қонун мақомига эга бўлгани ҳужжатнинг аксилкоммунистик руҳини белгилайди. Бу эса, уз навбатида, “суверен совет социалистик давлат” ва “социалистик демократия” дейилган конституциявий қоидаларнинг, ҳам-да ишлабчиқаришда социалистик услубнинг аслан ёлғонлигини фош қилади ва уларни инкор қилади.

Ҳужжатнинг аксилкоммунистик руҳи унинг барча банд, сатр ва ҳарфларида, у ёки бу даражада, ўз аксини топган. Совет сиёсий тизими эса ёлғон асосларга қурилган тизим бўлгани ҳозирги кунга келиб барчага аён бўлди.

Афсус ва надоматлар билан таъкидлаш лозим-ки, ҳозирги кунда амалда бўлган Ўзбекистон Конституциясида Мустақиллик Декларациясининг руҳи ўз аксини

топмаган, унда, хусусан, 55-модда воситасида социалистик услуб сақлаб қолинган. Бу жиҳатдан ва баъзи бошқа жиҳатлардан қаралганда Ўзбекистон Конституцияси Мустақиллик Декларациясини инкор қилади, хусусан унинг 12-банди талабларига риоя қилинмайди.

Умумхалқ ҳокимиятини рўёбга чиқариш, ўз тараққиётини ўзи таъминлайдиган демократик давлат қуриш учун зарур шартлар сирасига Давлат Мустақиллиги ҳам киритилган (8-банд).

Фуқаролар, сиёсий партиялар, жамоа ташкилотлари, оммавий ҳаракатлар ва диний ташкилотларнинг давлат ва жамият ҳаётини бошқаришда уларнинг тенг ҳуқуқий имкониятларини рўёбга чиқариш учун ҳам Давлат Мустақиллиги зарур шарт экани ўқдирилади (9-банд). Бу ерда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, Мустақиллик Декларацияси динни давлатдан ажратиш тамойилини инкор қилади.

Мустақиллик Декларациясининг 10-бандида давлат ҳокимияти фақат демократик асосда қонунчилик, ижроия ва суд ҳокимиятларига бўлиниши, улар ўз функцияларини халқ манфаати ва эҳтиёжидан келиб чиқиб бажариши, миллатларнинг ва элатларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаши, шунингдек, озчиликдан иборат гуруҳлар ўз фикри ва манфаатларини ҳимоя қилиши учун имконият яратиб бериши талаб қилинади. Давлат ҳокимиятининг демократик асосда учта шаҳобчага бўлиниши ҳокимиятни муддатдан илгари тинч алмаштириш механизмини (импичментни) ҳам назарда туттади. Конституцияда эса бундай механизм йўқ.

Мустақиллик Декларациясининг руҳи амалдаги Конституцияда ўз аксини топмагани тўғрисида юқорида айтилган эди. Қисқа таҳлил кўрсатаёттики, Мустақиллик Декларациясининг ҳарфи ҳам Конституцияда ва сиёсий амалиётда ўзининг тўлаликдаги аксини топмаган ва муҳим жиҳатларда қонун сифатида инкор қилинган.

Аминмизки, Мустақиллик Декларацияси тўлаликда рўёбга чиққанда давлат ва жамият ҳаёти анча илгарилаб кетган бўлар эди.

**АТАНАЗАР АРИФОВ**  
14.08.2016 й., Тошкент

<p align="center"><b>“ERKIN YURT”</b> интернет-газетаси Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий нашри www.uzxalqharakati.com/erkinyurt Муҳаррир: Нурбек Саломов</p>
---